

2015 ЙИЛДА ЯРАТИЛГАН БАДИЙ ФИЛЬМЛАР РЎЙХАТИ

1. “ДИЛОР, ДИЛОР, ДИЛ ВА ОР” (“ЕР ТАФТИ”) – 125 дақиқа.

(2014-2015 йиллар давомида)

“Ўзбекфильм” к/с.

Сценарий муаллифи – Зулфия Йўлдошева

Саҳналаштирувчи режиссёрлар – Шухрат Аббосов, Нозим Аббосов

Саҳналаштирувчи оператор – Султон Мирзааҳмедов

Саҳналаштирувчи рассом – Зоҳид Мирзааҳмедов

Бастакор – Дмитрий Янов-Яновский

Ролларда: Шахло Темирова, Аъзам Шокиржонов, Эркин Бозоров, Сирожиддин Икромов, Зулхумор Мўминова, Мунаввара Абдуллаева.

Фильмда машаққатларга қарамай ўз мақсадига эришиш учун курашаётган Дилором исмли қизнинг матонати ҳақида ҳикоя қилинади. Онаси эрта вафот этиб, отаси “пахта иши” туфайли ноҳақ қамалиши туфайли каттагина оиланинг юкини елкасига олишга мажбур бўлган Дилором образи орқали собиқ тузум давридаги адолатсизликлар, оддий инсонлар бошига тушган оғир синовлар таъсирчан ифодаланган.

2. “СОТҚИН” – 151 дақиқа.

“Ўзбекфильм” к/с.

Сценарий муаллифи – Рихсивой Муҳаммаджонов

Саҳналаштирувчи режиссёр – Рустам Саъдиев

Саҳналаштирувчи оператор – Абдувоҳид Ғаниев

Саҳналаштирувчи рассом – Акмал Саидов

Бастакор – Дониёр Аъзамов

Ролларда: Фаррух Соипов, Улуғбек Қодиров, Юлдуз Ражабова, Райҳон Уласенова, Убайдулла Омон, Сайёра Юнусова, Матёқуб Матжонов, Жавохир Зокиров.

Фильм долзарб ижтимоий мавзуга бағишланган. Унда диний экстремизм, терроризмнинг аянчли оқибатлари, билиб-билмай ана шундай ноқонуний гуруҳлар чангалига тушиб қолган инсонларнинг қисмати, уларнинг ўкинч ва изтироблари ҳақида ҳикоя қилинади.

Университетда ўқиб, олий маълумотли журналист дипломига эга бўлган иқтидорли йигит ўзи билмаган ҳолда бир муддат яширин террорчи гуруҳлар таъсирига берилади. Кейинчалик ана шу гуруҳ чангалидан халос бўлгандан кейин ҳам уни ўтмишдаги хатолари таъқиб қилади...

3. “ҲАЁТДА...” – 114 дақиқа.

(2014-2015 йиллар давомида)

“Ўзбекфильм” к/с.

Сценарий муаллифи ва саҳналаштирувчи режиссёр – Ёлқин Тўйчиев

Саҳналаштирувчи оператор – Рустам Муродов

Саҳналаштирувчи рассом – Ҳилола Шерматова

Бастакор – Дмитрий Янов-Яновский

Ролларда: Акбархўжа Расулов, Бахтиёр Қосимов, Зулхумор Мўминова.
Психологик драма жанридаги ушбу фильмда кутилмаганда оғир хасталикка чалинган Асрорнинг мураккаб рухий кечинмалари, атрофидаги одамлар ва яқинлари билан чигал муносабатлари акс эттирилади.

4. “БАРАКАСИНИ БЕРСИН”

“Санъат-маъно” студияси

Сценарий муаллифи – Гафур Шермухаммад

Саҳналаштирувчи режиссёр – Фарход Худойбердиев

Саҳналаштирувчи оператор – Султон Мирзааҳмедов

Саҳналаштирувчи рассом – Алишер Умрзоқов

Бастакор – Дониёр Аъзамов

Ролларда: Эркин Комилов, Фарход Абдуллаев, Толиб Мўминов, Ражаб Адашев, Абдувоҳид Зоитов, Илмира Раҳимжонова, Жамила Ғофурова, Мухаммадсоли Юсупов, Машраб Кимсанов.

Комедия жанридаги мазкур фильмда девор-дармиён қўшни яшайдиган Ҳайдар бува билан Шомирзанинг ғаройиб саргузаштлари воситасида ўзбек халқига хос бўлган ҳалоллик, бағрикенглик, кексаларни иззатлаш каби эзгу фазилатлар ва ибратли удумлар ҳақида ҳикоя қилинади.

5. “АЖАЛ ЖОДУСИ” – 96 дақиқа.

“Ватан” к/с.

Сценарий муаллифи ва саҳналаштирувчи режиссёр – Хилол Насимов

Саҳналаштирувчи оператор – Умид Маликов

Саҳналаштирувчи рассом – Зебо Носирова

Бастакор – Дмитрий Янов-Яновский

Ролларда: Фотиҳ Насимов, Шохруҳ Насимов, Баходир Муродов, Муяссар Бердиқулова, Ширин Исмоилова, Фотиҳ Насимов...

Фильм ҳозирги кун вабоси бўлмиш наркотик моддаларни истеъмол қилаётган ёшларни аянчли аҳволини томошабин кўз олдида намоён этади. Шунингдек, худди оҳанграбо жилваси таъсирида унинг атрофида парвона бўзла бошлаган, яъни машъум ажал жодуси бўлмиш наркотик моддалар кукунига боғланиб қолиш хавфидаги ёшларни огоҳликка чақириш, кўзини очишга қаратилган.

6. “БОЛАЛИК СИНОВЛАРИ” – 74 дақиқа.

(2014-2015 йиллар давомида)

“Ўзбекфильм” к/с.

Сценарий муаллифлари – Маҳмуд Тўйчиев, Сайёра Холмирзаева, Ҳамидулла Ҳасанов

Саҳналаштирувчи режиссёр – Ҳамидулла Ҳасанов

Саҳналаштирувчи оператор – Хайрулла Ҳасанов

Саҳналаштирувчи рассом – Тоҳир Ҳакимов

Бастакор – Сардор Эргашев

Ролларда: Фарход Абдуллаев, Тоҳир Саидов, Дилором Эгамбердиева.

Фильм сюжети Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг бир нечта ҳикоялари мотивларига асосланган. Унда ўсмир ёшлар ҳаёти, уларнинг орзу-умидлари, кўнгил кечинмалари ҳақида ҳикоя қилинади. Картинада табиат ва инсон мавзусига ҳам кенг ўрин берилган.

7. “БАЛЛИ, КАМОЛИДДИН!” (“ДАДИЛ БЎЛ, КАМОЛИДДИН!”) – 88 дақиқа.

(2014-2015 йиллар давомида)

“Илк-фильм” студияси

Сценарий муаллифлари – Жасур Зиёхонов, Мастура Сағатова

Саҳналаштирувчи режиссёр – Элёр Ҳошимов

Саҳналаштирувчи оператор – Жамшид Ғаниев

Саҳналаштирувчи рассом - Акмал Абдимўминов

Бастакор – Абдужаббор Мирусмонов

Ролларда: Миролим Қиличев, Толиб Мўминов, Бехзод Муҳаммадкаримов, Шаҳзода Матчонова, Мадина Юсупова.

Яқиндагина олий ўқув юртини тамомлаб, нуфузли кўшма корхонлардан бирида иш бошлаган Камолиддин тез орада ўзининг иқтидори, ташаббускорлиги билан жамоада тилга тушади. Шу боис уни кўшма корхонанинг хорижий мамлакатлардан биридаги ваколатхонасига раҳбар этиб тайинлашади. Аммо кутилмаганда унинг қишлоқда яшайдиган акаси Фазлиддин автоҳалокатга учраб, вафот этади.

Камолиддин икки ўт ўртасида қолади: хорижга кетиши керакми ёки марҳум акаси бошлаб қўйган ишларни давом эттириши керакми? У жиддий ўйлаб кўриб, иккинчи йўлни танлайди ва қишлоғига қайтиб, яқинлари кўмагида акаси экиб кетган писта дарахтларини парваришlashга киришади.

8. “ШУНҚОРЛАР” - 97 дақиқа.

“Ўзбекфильм” к/с.

Сценарий муаллифи – Элмира Ҳасанова

Саҳналаштирувчи режиссёр – Умид Ҳамдамов

Саҳналаштирувчи оператор – Умид Маликов

Саҳналаштирувчи рассом – Фурқат Бозоров

Бастакор – Жамол Сайфуллаев

Ролларда: Суръат Исломов, Нигина Анорбоева, Тоҳир Саидов, Саидаъло Маъсудхонов, Илмира Раҳимжонова, Махфуза Боботиллаева, Бехзод Ҳамроев.

Фильм Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришга туширилган. Унда “Камолот” Ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қуйи тизимларида фаолият кўрсатаётган етакчиларнинг фаолиятига кенг ўрин берилган. Ана шундай интилувчан ва фидойи ёшларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида оддий коллежлардан бирида

таълим олаётган ўсмирлар “Шунқорлар” ҳарбий-спорт мусобақасининг вилоят босқичида муваффақиятли иштирок этиб, ғолиблар сафидан жой олишади...

9. “УСТЮРТГА ЙЎЛ”

(Суратга олиш ишлари якунланмоқда)

“Қорақалпоқфильм” киностудияси

Сценарий муаллифлари – Гулистон Матёқубова, Абдуқаюм Йўлдошев

Саҳналаштирувчи режиссёр – Абдувоҳид Ғаниев

Саҳналаштирувчи оператор – Азизбек Арзиқулов

Бастакор – Дониёр Аъзамов

Ролларда: Акбархўжа Расулов, Адиз Ражабов, Шаҳзода Матчонова, Наргиза Салмонова, Кўпжурсин Алланазаров.

Фильмда Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманидаги Устюрт газ-кимё мажмуи қурилиши жараёнлари ҳақида бадиий талқинда ҳикоя қилинади. Яқиндагина олий ўқув юртини тамомлаган ёш, истеъдодли мутахассис Нодир бир гуруҳ тенгдошлари билан ана шу тарихий қурилишда иштирок этиш учун Устюртга йўл олади. Улар мураккаб табиатли бу масканда ишлаш жараёнида жиддий синовларни бошдан кечиришади. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам улар ортга чекинмайди...

Картинада янгича фикрлайдиган, изланувчан ва ташаббускор ёшлар ҳаётига кенг ўрин берилган. Шу билан бирга, ҳақли равишда “аср қурилиши” дея ном олган ушбу мажмуанинг мамлакатимиз иқтисодий юксалишида тутадиган ўрни ва аҳамиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Фильмни тасвирга олиш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Тошкент шаҳри ва Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида амалга оширилмоқда.

“ЗУМРАША” БОЛАЛАР ЮМОРИСТИК КИНОЖУРНАЛИ 11 ТА ТЎПЛАМИ

“5-студия” ЁТИУ, “Double Desigin R&N” МЧЖ, “Қорақалпоқфильм” киностудияси

Сценарий муаллифлари – ижодий жамоа

Саҳналаштирувчи режиссёрлар – ижодий жамоа

Саҳналаштирувчи операторлар – ижодий жамоа

Киножурналнинг ҳар бир тўплами 15 дақиқа, бир нечта ихчам сюжетлардан иборат бўлиб, уларда болалар учун тарбиявий аҳамиятга эга бўлган қувноқ воқеалар акс эттирилади.

2015 ЙИЛДА ЯРАТИЛГАН МУЛЬТИПЛИКАЦИОН ФИЛЬМЛАР РЎЙХАТИ

1. “САРИШТАЛИ УЙ – ФАРИШТАЛИ УЙ” - 1 қисм.

Компьютер графикаси

Сценарий муаллифи – Евгения Палехова

Саҳналаштирувчи режиссёр – Алексей Кидисюк

Саҳналаштирувчи оператор – С.Шарофиддинов

Басткор – Алберт Халмурзаев

Фильм 2010 йилда суратга олинган “Соҳибжамол қўғирчоқ” мультфильмининг мантиқий давоми сифатида ишлаб чиқаришга туширилган. Унда моҳир уста ясаган қўғирчоқларнинг бошидан кечирган ажойиб-ғаройиб саргузаштлари орқали ўзбек қизларига хос бўлган ҳаё-ибо, ширинсуханлик, меҳнатсеварлик каби эзгу фазилатлар ҳамда миллий либосларнинг афзаллиги тарғиб қилинади.